

# ҚИШЛОҚ ЖАЁТИ

Ўзбекистон  
Республикаси  
ижтимоий-иқтисодий  
газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 1 ИЮНЬ, сешанба, № 38 (5.994). Сотувда эркин нархда

**БУГУНГИ СОНДА:**

3-саҳифа:

«Истиклол ва истиқбол»  
Қорақалпоғистон: кеча,  
бугун, эртага

1-2-саҳифалар

ПАХТАЧИЛИКДА ИСРОИЛ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ  
КЎЛЛАНИЛАЯПТИ

1-2-саҳифалар

Рақобат — бозор  
иқтисодиёти қонуни

1-2-саҳифалар

ЧЎПОН НЕГА САРСОН?

4-саҳифа

Янги рукн тақдироти:  
Талабларингизга биноан

**Шу куннинг янгиликлари**

## ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ

Кун кеча Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг бўлиб ўтган навбатдаги ҳайъат йиғилишида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш борасида ҳўкумат қарорларининг бажарилиши, галла ўрими-йиғими тийёрлик, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг тизимдаги ижроси, шунингдек, янги йўналишда иш юритаётган ширкат ҳўжаликлари афзалликлари ҳамда қорва учун озуқабоп экинларни экиш масалалари муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ПИЛЛА ТИЛЛОГА АЙЛАНМОҚДА

Бухоролик «кумуш тола» ижодкорлари қисқа муддатларда белгиланган маррани забт этдилар. Қабул пунктларига икки минг тоннадан зиёд сифатли хом ашё топширилди. Олот, Жондор, Қогон, Ромитан каби туманларда ҳар қути қуртдан ўртача 55-60 килограмдан ҳосил йиғиб олишга эришилганлиги янада қувончли. Асосий режа уйданган бўлса-да, пиллакорлар ташаббус билан чиқишди. Улар республикамиз истиқлолининг саккиз йиллик тўйи шарафига яна уч юз тонна пилла топширишни ўз олдидан мақсад қилиб қўйдилар.

## ОКСАРОЙ ҚАРОРГОҲИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 31 май кун Оқсарой қароргоҳида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки президенти Хорст Кёлер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Мамлакатимизнинг мазкур халқаро молиявий муассаса билан алоқалари ҳар икки йилда янгилашиб турадиган «Ҳамкорлик стратегияси»га асосланади. 1998 йилнинг 2 декабрида ЕТТБ 1999—2000 йилларга мўлжалланган навбатдаги стратегияни маъқуллаган. Банкнинг Ўзбекистондаги фаолияти асосан минерал-ҳомашё захираларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш, энергетика мажмуи, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, агробизнес ва пахтачиликни қайта ишлаш, банк-молия соҳалари, шунингдек, сайёҳлик инфратузилмасини раванқ топтириш билан боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан ЕТТБ урғасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлар экан, айна пайтда узаро ҳамкорликда умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этадиган қатор лойиҳалар амалга оширилаётганини қайд этди. Президент Ислам Каримов ЕТТБ билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, икки томонлама алоқаларни янада юқори поғонага олиб чиқиш имкониятлари қўйилганини айтди.

Х. Кёлер ҳам Ўзбекистонга келишидан мақсад узаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалаларини ўрганишдан иборат эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ЕТТБ иштирокидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиш жараёни қўйилди. Шунингдек, томонлар янги лойиҳалар бўйича узаро фикр алмашиб, ҳамкорлик қўламини кенгайтириш масалаларини ҳам муҳокама қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев, Бош вазир уринбосари Б. Ҳамидов, молия вазири Р. Азимов иштирок этди.

Қабулда Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К. Нақдзава ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

## 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



БОЛА КУЛҒУСИГА ТЎЛСИН БУ ОЛАМ.

## КЎЗ ҚОРАЧИФИДАЙ АСРАЙЛИК

Ассалому алайкум, ҳурматли ва азиз Юртбошим!

Мен тоғли Бойсун туманининг Бешқутон қишлоғида туғилганман. Болалиқдан ногиронман. 1974 йили Музработ туманидаги С. Айни номи 8-урта мактабни битирганимдан буён маданият муассасаларида турли лавозимларда ишлаб келмоқдаман. Уз созим-торим билан баҳоли қудрат халқимга беминнат хизмат қилиб, қўшиқ айтиб савобини олиб юрибман.

Тангригам беадад шукрларким, толеимга сиздек адолатли, дивангли, қўрқмас Президентни берди. Алақобибат асрлар оралиқ, умид қилиб юрган Ўзбекистонимни Мустақил Ватан эдингиз!

Бу Мустақиллик мендек оддий инсонга нима берди?

Одил Юртбошим, озода Ватан, тинч-осойишта ҳаёт, дину диванат, зар туруп қадри, эркин ижод, изланиш, дунёга йўл, узлиқни англаш...

Мустақиллик сабаб, ушалмай юрган орзуимга 1992 йилда эришдим — А. Қодирий номи Тошкент Давлат Маданият олийгоҳига ўқигача кириб, уни имтиёзли диплом билан тугатдим.

Мен Она тупроғимни бутун вужудим билан, унинг толмас Президентини юрак-юрагимдан севаман. Бунга мана бу турткилим гувоҳ:

**Ҳақиқат тантана қилиши тайин,  
Мустақил юртимнинг ёруғ чироғи.  
Фақат юракларни эзади ҳар дам  
Мальюн «дахо»ларнинг қолдирган доғи!**

Таассуфки, бугунги кунда ўзимизнинг орамиздан ана шундай мальюнлар, иймонсизлар, инсон башарасидаги йиртқичлар чиқишиб, юракни пора-пора, жигарни хун қилишди. Мен бир ярим ёшимда 27 яшар онамдан, 12 ёшимда 42га кирган отамдан айрилганман. Мурғаккина қалбим ғам, мусибат юки нақадар оғир эканлигини сезмаган экан ўшанда.

Минг додким, 16 февралдаги воқеа, яъни Юртбошимга суиқасд, Мустақиллигимга суиқа-

сд, меннинг қумирдек тим қора сочимнинг ярмига бир кечада қиров туширди.

Эй хунҳур нокаслар! Шу қилмишларинг билан нимага эришдиларинг, Президентинга улим

### Дил рози

истаб қайси гумроҳинг мақсадинга етдинг? Ахир Худованди қарим 24 миллион инсон увол-савобини гарданига тумор қилиб илган, Хизр назар солган бандасини ҳар қандай бало-қазодан асрайди-ку! Адл этган Шоҳга Оллоҳнинг бағри очилди-ку!

Эй қутурган қузғунлар! Менинг эгизакларим — жажжи Хушид-Жамшиди, мурғаккина Жовиджонимни ва ягона қизим Гулруҳсорларнинг

тинчлигини бузиб, бегубор болалигини поймол қилиб, Онажон Ўзбекистонимни гамхонага айлантормоқчимдинг? Юртбошим урғига қайси бир жаллод авлодингн олиб келиб тахта утиргизмоқчи эдинг? Минг бора худода шукрим, ниятиг ушалмади. Метиндек мустаҳкам, эркин фикрли, ўз халқига фидойи, юртини буюк, давлатини бақувват қилишининг орзусида тинимсиз заҳмат чекаётган Президентимизни бағримизда эсон-омон қолдирди!

**Ҳавас қилиш ўрнига, ҳасад ўтин ёқдингми?  
Кўржиб, пана жойларда писиб қолиб кетдингми?  
Манкурт, маддох, эй ноқур, кўзинг ўйиб олайин,  
Йимони бут Юртбошим умрига қасд этдингми?**

Худода шукрларким, орзуларинг пуч бўлди,  
Жон халқимнинг дуоиси Юртбошимга куч бўлди!

Саккиз йилки озодиниз, саксон йиллик ютуқ бор,  
Чўки Юртбошимизда виждон, ор қалъинг бор.  
Минг чираниб жон урма, эй мунофиқ оқладор!  
Билки, ҳар қилар ишда худода унга мададкор!

Худода шукрларким, орзуларинг пуч бўлди,  
Жон халқимнинг дуоиси Юртбошимга куч бўлди!

Турмининг ҳар пардаси Юртбошимни қўйлайди,  
Қайда бўлса рост тилим Юртбошимни сўйлайди,  
Худованддан Самадбек тинч, омонлик тилайди,  
Чўки унинг бошини Президентни сийлайди!

Худода шукрларким, орзуларинг пуч бўлди,  
Жон халқимнинг дуоиси Юртбошимга куч бўлди!

Азиз ва меҳрибон Президентим, Сизга узоқ умр, сийҳат-саломатлик, Ватанинг юксалиши йўлидаги тинимсиз меҳнатингизга муваффақиятлар тилаб

Самалбек МУРОДОВ,  
Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги  
«Оқ олтин» жамоа ҳўжалиғи.

## «САМАРҚАНДУДУҚ»ДА ИСРОИЛ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### Хўш у қандай САМАРА БЕРАДИ?

Муҳтарам Президентимиз ўтган йили Исроилга борганларида пахтазорларни ҳам айланган, мул ҳосил олиш омили билан қизиққан эдилар. Шунингдек, исроилликларнинг сувдан нийҳатда тежамкорлик билан фойдаланиб, жаҳон андозаларига мос, сифатли хом ашё етиштиришда нималарга эътибор беришларини ойна жаҳон орқали томоша қилган ҳам-мюртларимиз ҳам у ерда пахтачиликда эришилган ютуқлар, мутахассисларнинг тажрибалари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини анчагача гапириб юрдилар.

Донолар инсон умр бўйи ўрганишдан, унинг яхши томонларни олиб бошқаларга ўргатишдан тўхтамаслиги даркор, деб ўғит берганлар. Янгиликлар, буюк ихтиролар изланиш, ўрганишлар орқали яратилади. Давлатимиз раҳбарининг сафарлари шарофати ила исроиллик мутахассислар мамлакатимизга келишди. Бир қанча вилоятларда уларга ажратилган майдонларда уз техно-

логиялари асосида деҳқончилик ишларини бошлаб юбордилар. Шундай жойлардан бири Жиззах вилоятидан белгиланди.

Жиззах туманидаги «Самарқандудуқ» ижара ширкатлар бирлашмасининг бешинчи бўлимига етган катта йўлдан чапа бурилди. Янги солининг асфальт йўлдан кетаямиш. Йўлнинг икки томони адосиз дала. Нийҳат ҳамроҳимиз унғ томондаги уй ва жижозларга ишора қилиб

«Сиз айтган жойга келдик» деди.

У ерда уч киши қандайдир юмушлар билан банд эди. Машинадан тушиб салом бердик. «Хорманг, бор бўлинг» қилдик. Биз билан биринчи қуришган одам Исроил технологияси бўйича ҳўжалиқдан тайинланган мутахассис-агроном Очил Юсупов экан. Қўқ соябонли барваста кишини исроилликлар вакили Шмуель Коген, деб таништирди. Ишлари билан танишамиз. Ускуна, жиҳоз ва экиш

(Давоми 2-бетда)

## РАҚОБАТ

ёхуд икки қўқорнинг боши бир қозонда қайнаши мумкинми?

### БЕКАТДАГИ МОЖАРО

Хизмат юзасидан сафарга чиққандин. Бекободга етиб, «Икарус»дан тушгач, ун беш қақиримча наридаги қишлоққа элтувчи йўл бошига утдим. Бекатнома жойда иккита автобус кетма-кет турган экан: олдиндагиси «КАВЗ» русумли, кексалар таъбири билан айтганда, «Бир эшикли кичкина посахир», орқаддагиси уч яшар бола ҳам биладиган «ЛАЗ».

Уларга яқинлашганим ҳамоно аллакларнинг бир-бирига қаттиқ-қаттиқ овозда гапирявгани қўлогимга чалинди. Қарасам, автобуслар ораллигида бақамти туриб олган икки йигит узаро жанжаллашяпти. Уртадан анчайин аччиқ-тизиқ гал ўтган шекилли, авзойлари бузуқ.

— Мен сендан сураяман, нега тезроқ юрмайсан? — дерди улардан қорачадан келган, новча

бўйлиси унғ қўлини пахса қилиб. — Ахир, араваг аллақачон лиқ тулди-ку. Меникча эса, қара, биттаям одам қиққани йўқ. — Шундай деркан, унинг озгин-чайир юзлари аламдан буришиб кетди. — Мен график бўйича ун минутдан сунг йўлга тушишим керак. Бунақа буш автобус билан плани тулдириб буладими?

Қуйиб-пишиб сузлашидан англадимки, бу йигит «ЛАЗ» ҳайдовчиси. «ЛАЗ» эса, давлат автокорхонасиники. Ана, исботи: ёнбошига лотин имло-сидда битиб қўйилган — «Бекобод автобус-такси саройи» деб. «КАВЗ»да, аксинча, бирон-бир өзүв йўқ. Демак, у 8 хусусий, ёки ижара олинган улов.

Янгилашмаган эканман, тахминим туғри чиқди.

— Э, бўлди-да, ака! — Боядан буён тинмай сақич чайнаётган иккинчи йигит рақибининг галини чўрт кесди. — Ешингизни ҳурмат қилиб, индамаганим сайин бошимни қотириварасизми? — Сизда бор

(Давоми 2-бетда)

## ЧЎПОНГА УЙ НИМАГА КЕРАК?

ёки бир йилдан буён чўзилаётган тортишув

Эшонқул Музроповнинг қўлига таёқ олиб, қўйнинг орқасидан эргашганига 37 йил бўлипти. Эсини таниб, суяги қотгандан сунг бош чўпон бўлиб кетди. Аммо Эшонқул ака чўпонлиқни ҳам санъат даражасига кўтарди. Қўзи топшириш режаларини орғиғи билан бажарганлиғи учун... олмаган мукофоти қолмади. Мукофотининг боши «УАЗ»дан қайтди.

Одамнинг умри ўтган йиллар билан эмас, у қилган ишлар билан улчанади. Шундоқ бўлгандан сунг эллика кирган одам учун 37 йиллик чўпонлик меҳнати жуда-а қўплик қилади. Лекин ҳалиям Эшонқул аканинг дамига зогора пишади: бултур ҳар юз хисори совлиқдан бир юз бештадан қўзи олди. Тул мавсумини яқунламоқ учун боботоғдаги «Арғамчи» яйловига Узун ту-

ман ҳокими Сафар Ҳасанов шахсан ўзи борди ва Эшонқул аканинг ахборотини эшитиб, азбаройи хурсанд бўлгани билан мукофотлашини эълон қилди.

Шундан сунг бир ҳафта Эшонқул ака худди машина мингандай... гердайиб юрди — унғу сўлдан қўлловларни қабул қилаберди. Сунг уйлади: «Нива»си бор, бунинг устига

(Давоми 2-бетда)

### Янги рукн тақдироти:

Азиз муштарий! Ушбу рукн Сизнинг мактубларингиздаги истақларга қўра очилди. Сирдарёлик бир гуруҳ отахонлар газета саҳифаларида мамлакатимизнинг турли вилоятларида, шаҳар ва қишлоқларида яшаб ижод этаётган, халқимиз қалбидан жой олган санъаткорлар, шоирлар қаламкашлар ҳаёти, ижоди, бугунги изланишлари ҳақида маълумот бериб боришни сўрашибди. Хусусан, қашқадарёлик таниқли хонанда, сеҳрли овоз соҳиб Тождиддин Муродов билан суҳбатлашини ихтиёр этибдилар. Марҳамат талабларга биноан Тождиддин Муродовни суҳбатга чорладик.

Яна кимлар билан учрашини, мулоқот этишини, унга қандай саволлар беришни хоҳлайсиз. Хатларингизни кутамиз. Тахририятга йўлланган бир-рорта мактуб эътиборсиз қолмайди, деб ишонтирамиз.

ТАХРИРИЯТ.

## «ҒАМЗАСИН СЕВДИНГ КЎНГИЛ...»

Фузулий қаламига мансуб ушбу газалини Республикадаги хизмат кўрсатган артистлар Қувондиқ Исқандаров, Тождиддин Муродов, таниқли хонандалардан Хуришда Уринова, Салоҳиддин Лутфуллаевлар ижросида кўп бора эшитганмиз. Бошқа хонандалар ижросини камситмаган ҳолда ашуланинг биринчи ижросини Тождиддин Муродов талқинида қалбга жуда яқин, кишини ром этадиган даражада чиқинини эътироф этмоқчимиз. Таниқли хонанда Тождиддин Муродовдан дастлаб ашуланинг яратилиши ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— 1976 йил Тошкентда, санаторияда даво-ланиб, дам олаётган эдим, — дея гап бошлади Тождиддин ака. — Бас-такор Раҳматжон Турсунов ҳам шу ерда муолажа олаётган экан. У яқинда бир неча мулоқотимиз бўлди.

ТАЛАБЛАРИНГИЗГА  
БИНОАН...

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ  
СОНДА ҲИЙСИЗ:

Ширкат ва пудрат  
услугларининг  
афзаллиги нимада?

Сигир соғаётган  
аёл!

«Мунозара»нинг  
акс-садоси

«Оқ ажал»  
сиртмоққа элтади





Мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллиги олдидан

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Мустақиллик иншоотлари.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯСИ

ДЕМОГРАФИЯ

- 1999 йилнинг 1 апрелига 1 миллион 487 минг 500 киши яшамоқда. Аҳолининг 51,3 фоизини аёллар ташкил этади. Улардан 70300 нафари қишлоқ хўжалиги, 25000 нафари таълим тизими, 12500 нафари саноат, 5000 нафари тадбиркорлик тизимларида меҳнат қилаётди. 1737 нафар аёл фермер хўжалиқлариغا етакчилик этишмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида хотин-қизлар учун 1640та янги иш ўринлари очилди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

- Айни кунларда қорақалпоғистонлик деҳқонлар 145000 гектар гўза, 5000 гектар қанд лавлаги парвариш этмоқдалар. 88.500 гектар ерга шоли экилади. Жами 420 минг гектар ерда деҳқончилик қилинмоқда.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

- Жорий йилнинг биринчи чорагида 102 объект «Кимошди» савдосида сотилиб, бу 25 миллион 653 минг сўмни ташкил этди. Шу даврда хусусийлаштирилган корхоналарнинг 8,7 миллион сўмлик акциялари, 4,2 миллион сўмлик кўчмас мулк сотилди.

ТАЪЛИМ

- Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат университети, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институту, Тошкент педиатрия институту шохобчасида жами 9038 талаба таҳсил кўрмоқда. 761 умумтаълим мактабларида 376635 нафар фарзандларимиз таълим олиб, 21547 нафари етуқлик шарафномаси олмақда. Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги нишонланадиган кўтлуг кунда 42000 нафарга яқин қажилар мактаб остонасига қадам қўйдилар.

- Айни кунда 2 та академик лицей ишлаб турибди. Улар сони 2005 йилда 11 тага, касб коллежлари 114 тага етказилади.

ФАН

- Бугунги кунда Қорақалпоғистонда Ўзбекистон Фанлар академиясининг 3 ҳақиқий аъзоси, 3 мухбир-аъзоси илмий фаолият олиб бормоқда.

САНЪАТ

- Қалдирғоч қорақалпоқ операси «Ажиниёз», илк қорақалпоқ балети «Ойжамол» сахна юзини кўрди. Яқинда Термизда ўтказилган Ўрта Осиё республикалари бахшиларининг биринчи халқаро кўриғида қорақалпоғистонликлардан Зиёда Шарипова ва Жумабой Бозоров биринчи ўринни эгалладилар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда кўп миллатли Қорақалпоғистон халқининг, ана шу мўътабар юрт кишиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ислом КАРИМОВ.

БАХТ ВА ИҚБОЛ ТОПГАН ЭЛ

Усиш ва узғаришлар, яратиш ҳамда бунёдкорлик ишларига тула Вақт мустақиллигимиз меъмори, азиз йўлбошимиз, хурматли Президентимиз Ислом Каримов теварағида жиқлашган, келажаги буюк давлат биносини барпо этаётган мамлакатимиз аҳлини истиклолнинг 8 йиллиги тантаналарига тобора яқинлаштирмоқда.

Мустақиллик Жанубий Оролбуйи диверига ҳам эрвин меҳнат, энг улуг, энг азиз қадриятлар ҳавосини олиб кирди. Қорақалпоғистон саккизинчи йилдирки, Турон замини деб аталган азим чинорининг бир тетик, соғлом новдаси сифатида гуллаб-яшнамоқда, янги асрга дадил одиллар билан пешвоз чиқмоқда.

Собиқ Совет мустақил тузуми Қорақалпоғистонни чинакам хом ашё усимтасига айлантган эди. Мустақиллик туфайли Куйи Амударёда муқим макроиқтисодиёт шаклланиб, «Катекс», «Элтекс» каби жаҳон енгил саноатининг энг илгор усуқналар билан жиқозланган корхоналар, Нукус мрамор заводи рақобатбардор маҳсулот бера бошлади. Тўртқил ун корхонаси қурилди. Янги асрнинг дастлабки йилда фойдаланишга топширилиши кузланаётган Кунгирот сода заводи зоз наинки Қорақалпоғистонимиз, балки мустақил мамлакат саноатида янги саҳифа очиб беради, жаҳоннинг илгор давлатлари ишлаб чиқаришини бир неча турдаги ноёб хом ашё билан таъминлайди.

Истиклол йилларида хурматли Президентимиз белгилаб берган 5 тамойил асосида ривожланаётган Қорақалпоғистон иқтисодиётига бозор муносабатлари олиб кирилди. Натияжада шу кунгача 2500 тага яқин корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилди. Айни кунда бизда 278 та ҳиссадорлик жамияти, 3981 та кичик, 307 та хусусий корхоналар, 1619 та деҳқон ҳамда фермер хўжалиқлари фаолият кўрсатишмоқда.

Иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалиғида ҳам бозор ислохотлари қўғулаштирилмоқда. Олий Мажлисимизнинг XI сессиясида қабул қилинган қонуи хўжалиқлари бу борада ҳуқуқий неғиз бўлаётди. 1998 йили 5 жамоа ширкат хўжалиғига айлантрилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу курсаткич 31 тага қўлайди, йил охиригача 73 тага етказилади. Энг пешқадам жамоалар янгиҳасига иш юритиш ҳадисини олмақдалар. Мисол учун Амударё туманидаги «Оқ олтин» ширкат хўжалиғи уз пахта тозалаш заводи, «Пахтабанк» шохобчасига, Тахтақўпир туманидаги «Тахтақўпир» ширкат хўжалиғи уз хусусий банкига эга. Нукус туманидаги «Қорақалпоғистон» исоҳқона хўжалиғи Исроилнинг «Нетафим» фирмаси усқуналарини урнатиб, киш фаслида мул ҳамда сифатили савзот етиштирмоқда.

Бутун мамлакатимизда буғлини каби Қорақалпоғистонда ҳам иқтисодий ислохотлар инсон манфаатлариға, фуқаролар турмушини фаровон қилиш, ишлаш ва яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, қомил ёшларни тарбиялаш, юксак маърифат-маънавиятни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистоннинг эртанги кун қандай бўлади? Бу саволга жавоб бита: у саноати, қишлоқ хўжалиғи, маданияти гуриқаб ривожланган улқага, янги асрда қайта тикланадиган Буюк Ипак йўлининг муқим бекатларидан бирига айланади. Мухтарам Президентимиз, ҳуқуқимизнинг доимий эътибори, Устурт заминидagi бебаҳо ероти бойлиқларининг узлаштирилаётганлиғи, «Султонвайстог — Мискин — Учқудук» темир йўлининг жадал суратларда қўғулаётганлиғи, халқимизнинг мул пахта, бўғдой, шоли, қанд лавлаги ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун қилаётган фидокорона меҳнати шундай хулоса чиқаришга тула асос беради!

Темур КАМОЛЖОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқоры Кенгеси Раяси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раяси ўрнибсари.

ЭКСПОРТБОП ТОЛАНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Ким эдигу, ким бўлдиқ? Бугунги ёруғ кунларнинг неъматидан баҳрамандлигимдан тулқинланиб, гоҳида узимга узим шу саволни бераман. Баралла айтишим мумкин. Узлигимизни, кадр-қимматимизни топдиқ, юрт эгаси бўлдиқ.

Биргина мисол. Собиқ Иттифоқ давридаги пахта тозалаш саноати билан тармоғимизнинг истиклол йилларидаги тараққийети уртасида ер билан осмонча фарқ бор. Толаимизнинг юксак сифати, заминимиз саховати боис «Беруний пахта тозалаш заводи» ва «Халқобод момиги» ҳиссадорлик жамиятларининг маҳсулоти Испанияда «Олтин юлдуз» совринига сазовор бўлди. Сунгра 7 та корхонамиз бирданга Мексикада «Олтин глобус» совринини олди. Яқин ўтмишда бундай муқофотлар узокдаги «тайёрига айёр» корхоналарига насиб этар эди.

Мухтарам Президентимиз, ҳуқуқимиз халқ хўжалиғининг барча соҳалари қатори пахта тозалаш саноатиға ҳам жулда катта ғамхўрлик қилмоқда. Айниқса, корхоналаримизда қисқа технологияларнинг жорий этилишини нур устиға зом нур бўлди. Утган йили биз 15864 тонна хом ашени илгор усқуларда қайта ишладиқ. Чимбой, Қораузак туманлари деҳқонларига сара уруғ ҳозирлаб бердиқ. Мустақиллик туфайли, ишлаб чиқариш маҳсулот экспортга жунатилляпти. Бу бундан 8 йил муқаддам фақат хом хаёл эди-да!

Раҳмонберган ХУДОЙБЕРГАНОВ, «Чимбой момиги» ҳиссадорлик жамияти раиси.



Қорақалпоқ пахта си тайёр маҳсулотта айланмоқда.

ГАЛЛА БЎЛСА АЛЛА ҲАМ, ЯЛЛА ҲАМ ЯНГРАР

Мустақиллик озод, обод мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатори биз қорақалпоғистонлик деҳқонларға ҳам кўп нарс берди. Истиклол меваларидан ҳар қадамда баҳраманд бўлаётимиз.

Очигини айтиш керакки, дастлабки даврда бозор иқтисоди деғанда анча масалаларға тушунамасдан юрдик. Аммо бозор уз иш фаолиятимизга кириб келганидан сунг унинг нима эканлигини, афзал томонларини дарров англаб олдиқ.

1995 йилнинг 1 январидан бошлаб бизнинг Эрикқалъа туманида деҳқончилик қилинадиган ерлар Вазирилар Маҳкамасининг маҳсус қарорига кура 1935 нафар фермерға узок муддатта ижараға берилди. Шу жумладан, менинг оиламға 7 гектар ер майдони хатлаб берилди. Хар йили ана шу далаға кузги бўғдой эқямиз. Утган йили фермерлар уюшмаси билан гектарига 32 центнердан бўғдой етиштириб бериш юзасидан шартнома тузган эдиқ. Шартномани ортиғи билан бажаришимиздан ташқари узимиз 3 тонна бўғдой олдиқ. Яширишин кереғи йуқ: бу оила бюджетимизнинг бир қадар мустаҳкам бўлишиға сезиларли таъсир утказди. Хозир далаларимиздаги ҳосил лишиб етилмоқда. Бу гал ҳам натижа чакки бўлмаслиғиға ишончимиз қомил.

Галла тўқинчилиғимиз белгиларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, ишимизин янда яхшилаш орқали истиклолимиз неғизларини мустаҳкамлаймиз, ерни, элни ардоқлаймиз!

Соғийхон БОБОЕВА, Эрикқалъа туманидаги Ф. Одилов номидаги хўжалиқ фермери.

ЛУҚМАН ҲАЛОЛ

Ҳиссадорлик жамиятимиз Куйи Амударёнинг аjoyиб сув ҳавзаларидан бири Кегайли ва Бузотов туманлари чегарасидаги Довудқулда бал кўстирмоқда. 11 минг гектар сув сатҳига эга булган бу қулда 21 тур ноёб балик бор.

Бозор муносабатлари балиқчилик тармоғимизға ҳам кириб келмоқда. Бизнинг хўжалиғимиз ҳам 1995 йил августидан бошлаб «Нуқусбалик» ҳиссадорлик жамиятиға айлантрилди. 1 миллион 418 минг сўмлик 2836 та акция сотдиқ.

«Қорақалпоқбалик» давлат ҳиссадорлик уюшмаси аҳолини луқман ҳалол билан таъминлашда дадил қадамлар қўймоқда. 1996 йили жами 7708 центнер балик овланган бўлса, 1998 йили бу курсаткич 8760 центнерға етказилди. Уюшмамиз Халқаро Сифат ва тақомиллаштириш қўғулаштириш тармоғи уртасида ер билан осмонча фарқ бор. Толаимизнинг юксак сифати, заминимиз саховати боис «Беруний пахта тозалаш заводи» ва «Халқобод момиги» ҳиссадорлик жамиятларининг маҳсулоти Испанияда «Олтин юлдуз» совринига сазовор бўлди. Сунгра 7 та корхонамиз бирданга Мексикада «Олтин глобус» совринини олди. Яқин ўтмишда бундай муқофотлар узокдаги «тайёрига айёр» корхоналарига насиб этар эди.

Мухтарам Президентимиз, ҳуқуқимиз халқ хўжалиғининг барча соҳалари қатори пахта тозалаш саноатиға ҳам жулда катта ғамхўрлик қилмоқда. Айниқса, корхоналаримизда қисқа технологияларнинг жорий этилишини нур устиға зом нур бўлди. Утган йили биз 15864 тонна хом ашени илгор усқуларда қайта ишладиқ. Чимбой, Қораузак туманлари деҳқонларига сара уруғ ҳозирлаб бердиқ. Мустақиллик туфайли, ишлаб чиқариш маҳсулот экспортга жунатилляпти. Бу бундан 8 йил муқаддам фақат хом хаёл эди-да!

Раҳмонберган ХУДОЙБЕРГАНОВ, «Чимбой момиги» ҳиссадорлик жамияти раиси.



Бўстон шаҳрида қурилган замонавий бино.

митасининг совриниға мушарраф бўлди. Мустақиллик тармоғимиз ривожу учун кенг ашиқлар очиб берди. Аллоҳға минг бора шукрким, Орол денгизининг қуриб бориш жараёни тухтамоқда. Унлаб куллар сувға тулди. Биз истиклолнинг 8 йиллигини эл дастурхонига кўп ҳамда сара балиқ етказиш билан кўтиб оламиз!

Нурмуҳаммад ПРИМБЕТОВ, «Нуқусбалик» ҳиссадорлик жамияти раиси.

СОҒЛОМ АВЛОД ОРЗУСИ

Хар қандай илгор жамиятнинг обруси, салоҳияти унинг оналар ва болаларға булган муносабати, соғлом авлодни шакллантириш даража си билан улчанади.

Мустақилликка эришганимизға эндиғина 8 йил тулишиға қарамасдан бу хайрли масалада озод Ўзбекистонимиз жаҳонда биринчи уринға чиқиб олди, десак муқолага бўлмайди. Бунға ишонч ҳосил қилиш учун экологик ҳалокат марказида яшаватган Қорақалпоғистонимизда аҳоли саломатлиғини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар сифатини муқофаза этиш борасида бажарилаётган ишларға куз ташлашининг уззи киқоя қилади.

Собиқ Иттифоқ даврида чекка қишлоқларда соғлиқни сақлаш ишларига эътибор йуқ эди. Истиклол туфайли Қорақалпоғистонимизнинг 12 та овулида янги, замонавий, барча қўлайликларға эга қишлоқ шифокорлик масканлари фойдаланишға топширилди. Улар тиббиётнинг энг сунги усқуналар билан жиқозланди. Мўйқоз туманининг «Шеге» овулида қишлоқ шифохонаси қуриб, Орол соҳили аҳолисиға берилади. Мустақилликнинг 8 йиллиғи тантаналари арафасида эса Нуқусда 350 урили оналик ва болалиқни муқофаза қилиш маркази фойдаланишға топширилди.

Шундай мамлакатда яшаватгани билан фархланмаслик мумкинми? Айниқса, Жаҳон Хамиятлик ортиминизға, Юртбошимизға тобора ишонч ва эҳтиром билан қараётгани кишини қувонтиради. Айни кунларда Қорақалпоғистонимизда халқаро ЮНИСЕФ ташкили билан ҳамкорликда аёллар орасида камқонлиқни бартараф этиш юзасидан кенг қамровли тадбир утказилмоқда, хотин-қизларға бегул дори-дармон тарқатилмоқда. «Перзент» яъни «Фарзанд» ноҳуқумат ташкилоти амалға ошираётган ишлар ҳам хар томонла тахсинға лойиқдир.

Хур халқимиз соғлом, барқамол авлод орзуси билан яшамоқда. Не бахтки, мухтарам Президентимиз, ҳуқуқимиз, меҳнатсевар халқимиз саъй-ҳаракатлари туфайли ана шу эзуғ орзуға кун сайин тулароқ тарзда эришиб бормоқдамиз!

Онесия САЙТОВА, Қорақалпоғистон Республикаси марказий шифохонаси туғуқ бўлими мудириси, Ўзбекистон Қажрамони.

ЖАҲОН КЕЗМОҚДА

Мустақиллигимиз иқтисодиёт билан бирға маънавиятимизни раванқ топдириш, шу жумладан, ўтмиш меросимизни чуқур урганиш, бу масалада муқим аҳамият касб этадиган музейларимиз ишини тубдан яхшилашға имкон яратиб берди. Бунға бизнинг музейимиз мисолида тула ишонч ҳосил қилса бўлади.

Уйлаб кўринг: мамлакатимиз мустақилликка эришмағанида оддий қорақалпоқ музейининг жаҳон бўйлаб энг нуфузли курғазма залларида уз бисотидаги нодир санъат намуналарини на мойиш қилиши туғрисида ҳатто хаёл суриш мумкинмиди? Бизнинг музейимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиғида энг бой музейлардан ҳисобланади. Бисотимизда 84 минг дона тасвирий, халқ амалий санъати, хайкалтарошлиқ, археология, этнография экспонатлари мавжуд. Улкан рассомимиз Урол Тансиқбоевнинг энг гузал асарлари ҳам бизнинг музейдан жой олган.

Хориға илк сафаримиз Швейцариядан бошланган бўлса, 1995 йилда Олмониянинг Хемниц шаҳрида аjoyиб курғазма ташкил этдиқ. Утган йилнинг биринчи чорағида эса олис Франция мамлақати, Нормандия заминидagi Кан шаҳри музейида нодир экспонатларимизни намойиш этдиқ. Уч ойға яқин давом этган курғазма нозик дидли француз санъат мухлислари, Ла-Манш соҳили меҳмонларини лол этди.

Истиклолнинг 8 йиллигини узига хос тадбирлар, шу жумладан, «Аёл — мусаввир мўйқаламида» курғазмаси билан кўтиб олмақдамиз. Биз жамиятимизда қомил инсонни шакллантиришдек муқим ишға муносиб улуғимизни қўшаверамиз!

Маришка БОБОНАЗАРОВА, И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи директору, Қорақалпоғистон Жўқоры Кенгеси депутаты.

Ибройим ЮСУПОВ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири.

БИРГА ТОТИБ МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИНИ

Ўз элининг қадр-қимматин билиб, Уни суя олсанг, гул битар тошда. Кенг оламни кезиб, оралаб юриб, Бундай яхши элни кўрмадим асло.

Кийик қуралайлаб ётган далалар Кенглиғи халқимизнинг кўнглиға кўчган. Ҳажим Ота, Берунийдек донолар Бул муқаддас ерда туғилиб-ўсган.

Бунда Бердақ — кенг саҳронинг булбули, Донсиэ жойда туғрай бўлиб сайраган, Оддийгина гиёҳини гул қилиб, Суттеганин Ажиниёз жирлаган.

Бунда ҳеч ким миннат қилмас миллатин, Юлдузлар порлагай оининг қошида. Бузмаз асло туғишганлик суҳбатин Хар оила, хар дастурхон бошида.

Янги аср бўсағасин хатлар дам Биз ҳам сининг савфлариниғида бўлсақ: Президент билан бирға қувониб, Буюк келажақка чалғаймиз қарсақ!

БИЛАКЛАРГА КУЧ БАХШ ЭТДИ

Истиклолгача булган даврда улқамиз жисмоний тарбия ҳамда спорт номитиғиға тараққий этар эди. Мисол учун 1991 йили Қорақалпоғистонимизда атиғи 3 та стадион мавжуд булган бўлса, озодлиғимизнинг 8 йиллиғи арафасида бу курсаткич 10 тага етди. Унлаб спорт иншоотлари, теннис қорлари қурилди.

Энг аввало малакали мутахассислар тайёрлашға эътибор қўнайди. Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика олийгоҳидаги жисмоний тарбия факултети иши анча яхшиланди. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат университетида шундай бўлим очилди.

1991 йили Ўзбекистон терма командалари сағида атиғи 5 нафар спортчи қатнашган бўлса, хозир улар сони 30 нафардан ошиб кетди. Спортчиларимиздан Сергей Сирцов, Бахтиёр Нуруллаев икки бора Олимпия, Бердақ Оллониёзов, Алишер Авезбоев XII Осиё уйинларида муваффақиятли иштирок этидилар. Эркин Кўтибов эса 2 марта жаҳон чемпиони, 1998 йилда «Ўзбекистоннинг энг яхши спортчи» номиға сазовор бўлди. Бадиий гимнастика борасида қорақалпоқ қизи Бутақуз Байтонованин шўхрати қўғалардан қитъалар қучмоқда. Б. Давлетеров байдаркада эшак эшиш бўйича шўхрат қозонди. Қатор спортчи ва мураббийларимиз юксак унвонлар олди.

Оролбуйи спортчилари мамлакатимиз шўхратини янда баланд кутарадилар, Президентимизнинг оталарча ғамхўрлиғиға янги рекордлар билан жавоб берадилар!

Авезхон АЙИТНИЁЗОВ, Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси.

РАҚАМЛАР ҲИКОЯСИ

ЭКОЛОГИЯ

Ўрта Осиё давлатлари раҳбарларининг 1994 йил 11 январь куну Нукус шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувидан сунг Оролбуйидаги экологик вазиятни юмшатиш юзасидан катта ишлар амалға оширилди.

Бу мақсадлар учун 1994-97 йилларда турли манбалардан 3 миллиард 753,5 миллион, 1998 йилда 1 миллиард АҚШ доллару миқдорда маблағ сарфланди. Халқаро Оролни кутқариш қўмитасиға мухтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлик қилган йиллар бу йўналишда самарали давр бўлди. Қорақалпоғистон Республикасида 1200 километр ичмилик сув, 2200 километр табиий газ қувурлари, 1481 километр коллектор-дренаж шохобчалари фойдаланишға топширилди. 13,5 минг гектар сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Денгизнинг қуриган ўзанида 4500 гектар дарахтзор барпо этилди.

Саҳифа материалларини «Қишлоқ ҳаётининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича ўз муҳбири Янгибой КЎЧҚОРОВ тайёрлади.



Оролбуйи заминидa оқар сув ҳам, ризқу рўз ҳам кўпаймоқда.

# «ҒАМЗАСИН СЕВДИНГ КҮНГИЛ...»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуларнинг бири «Ғамзасин севаднинг» кунгил-га узукча куздек бўлиб тушди. Ушбу газал ижросини маромига етказгунча машқ қилдик. Муолажадан бушбаб вақт топишимиз билан бастакор иккаламиз машқ қилишга утирардик. Шу тариқа Р. Турсунов яна бешта шеърга куй басталади. Кушиқларни эса мен ижро этдим. Санаториядан чиқишимиз билан Республика радиосига бордик. Бу ерда «Ғамзасин севаднинг, кунгил» (Фузулий), «Саодат бу» (Восит Саъдулла), «Шокор улсон» (Самад Вургун), «Жоннасан» (Усмон Жонгитов), «Пахтакор, қандингни ур» (Акмал Пулат) каби ашулалар ёзиб олинди. Айтиш жоизки, «Ғамзасин севаднинг, кунгил»нинг урни катта бўлди. Чунки кейинги ашулалар яратилиши ва «Олтин фонд» учун ёзиб олинишига шу газал сабабдир. Муҳлисларим ҳам шу ашулани ижро этишини жуда куй сурашди. Очиғи, у ўзимга ҳам ёқди.

Тождидин ака, сизнинг ижронингизда бошқа кўшиқ, маком, суворалар ҳам узгача тарзда ижро этилдики, бунга тингловчи Бефарк бўлмайди. Хусусан, макомчи — хофиз, қолаверса, замонавий кўшиқчи-хонанда сифатидаги фаолнингиз кўпчилиги учун мактаб бўларди. Айтмоқчиманки, сиз айрим хонандалардек кўшиқчилик қилмайсиз, ўз йўлингиз, ўз услубингиз бор.

Устозлар ўғити, халқ олқиши иқтидорли, етук бастакорлар, қолаверса, шорлар билан ҳамкорлик, тинимсиз изланиш, ижод қилиш яхшилар даврасида бўлиб, уларнинг сўхбатини олиш энда Тождидин Муродов бўлиб танилишимнинг бош омиллари. Асли олий маълумотли физика-математика ўқитувчи-

симан. Санъатга қизиқишимга отам мулло Мурод Хомид ўгли ва тоғам Сулаймон Мақсадовнинг ҳиссалари катта бўлган. Негаки уларнинг бирови классик адабиётдан яхши хабардор, бошқаси эса дурустгина овоз соҳиби эди. Табиийки бу муҳит менга таъсир этган. 1964 йилда Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрида ашулчи сифатида ишга қабул қилидим. Бу мактаб менга куй нарсани ўргатди. Шу театрдаги фаолиятим даврида Ўзбекистоннинг собиқ Иттифок Республикаларидаги адабиёт ва санъат декадаларида катнашардим. 1967 йилдаги декада мени бутун Урта Осиёга танитди.

1968 йилда Қашқадарё вилояти театрига ишга келдим. Бу ерда 1980 йилгача ҳам актёр, ҳам хонанда сифатида фаолият кўрсатдим. Кушиқчи-хонанда бўлиб танилишимда халқ артистлари Барно Исоқова, Комилжон Отаниёзов, Шоиста Муллажонова, таниқли санъаткор Норе Аминнинг устоз сифатидаги хизматлари катта. Атоқли хонандалар Матнбёз Юсупов, Исоқ Катаев, Ориф Алимаҳсумов ва Қувондиқ Искандаровни ҳам ўзимнинг устозим деб биларман. Устозлардан мен билан бир неча йил ижодий ҳамкорлик қилиб келган муаллимлар Раҳматжон Турсунов, Султон Анваровдан, таниқли замонавий хонандалар Жўрабек Муродов, Жўрабек Набиев, Ортин Отажонов, ҳамда Шерали Жўраевлардан бир умр миннатдорман.

Шогирдлар ва фарзандларингиз хақида ҳам тўхталангиз. Шогирдларимдан Руззиё Абдувоҳидов, Пулат Хомидов (укам) Қарши педагогика билим юртида ёшларга сабоқ беради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қаҳбарди Амрикулов-вилоят мусиқали театрида ишлайди. Қобил Ширинов ҳам иқтидорли, ўз устида тинимсиз ишлайдиган шогирдларимдан, касби-ўқитувчилик, Санайверса шогирдлар кўп...

Ун нафар фарзандимнинг барчаси мусиқани яхши билади. Фахриддин ва Комилжон — олий маълумотли юрист ўз соҳаларида хизмат қилади. Говсиддин олий маълумотли муҳандис. Шарофиддин — Тошкент давлат консерваториясининг аънавий ижрочилик факультети толиби. Камолддин диний мактабда сабоқ олмоқда. Қизларим Анора ва Наргиза ўқитувчи, уйли-жойли бўлишган. Шаҳноза мактаб битирувчиси, кенжа ўғилларим — Лазизон ва Каромиддин урта мактабда тахсил олмоқда.

Театрдан кетишингизга нима сабаб бўлган? Шундан сўнгги фаолиятингиз муҳлисларингизни қизиқтириши табиий...

Айрим ноҳушлиқлар, (аниқроғи, 1983 йилда автоталоқда жароҳатланган эдим) соғлигим сабабли, оилавий шарт-шароит тақозоси туфайли театрни тарк этганман. Шундан сўнг ҳам санъатдан йироқлашган эмасман. Туманимиздаги «Пахтакор» (айни пайтда Касби туманидаги «Фазли» хўжалигида ансамбл тузиб, унга раҳбарлик қилдим. Ансамблни Республикага олиб чиқдик. Кейинчалик Жейнов кишлоқдаги мактаблардан бирда ўқувчиларга мусиқа ва ашулалар сабоқ бердим, тўғарака раҳбарлик қилдим. Қаторасига ўн йил давомида хаваскорлик гуруҳимиз курик-танловларда вилоятда биринчи ва иккинчи ўриндан тушган эмас. 1994 йилдан буён нафақаданман. Лекин вилоят ва туман тадбирларида, халқнинг яхши кўнларида кўла саз билан баҳоли кўдрат хизмат қилиб келаяман.

Кўшиқчилиқнинг шу кундаги аҳоли тўғрисидаги фикрингиз. — Мустақилликдан сўнг миллий кўшиқчиликка эътибор қаратилди. Ўзбек халқи юрагидан жой олган Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзовдек ҳамиша хонандаларни кашф этиш мақсадида мунтазам равишда курик-танловлар ўтказиб келинмоқда. Бу тад-

бир ўнлаб иқтидор соҳибларини топишда ёрдам берапти. Гап фақат шу талант соҳиблари билан ишлашда қоляпти. Маҳаллий танловларнинг бирида қишлоғимиздан Ғолиб Ботиров деган ўқувчи чиқиш қилганида унинг овозини эшитиб, ростки, хайрон қолдим. Негаки, ижро йули аъло, юқори пардада куйлайди. Навб овоз соҳиби билан шўғулланмас экан, бундай овозни йўқотиб қўйиш мумкин.

Мустақилликимиз санаси олдиндан ҳар йили кушиқлар курик-танловининг ўтказиб келинаётгани сабоқ иш бўлди «Ўзбекистон Ватаним» мача ширин остидаги бу тадбир йил сайин кўчол бўмоқда. Кишилар жамоа бўлиб заминнинг олтинга тенг юртим, келажак буюк Ватаним, тинч-оқойишта ҳаётни, обод ва озод дёнри куйламоқдалар. Шу билан кўшиқчилик ривож топти, кишиларнинг истиқболга ишончи ортмоқда. Зероки, курик-танлов кузлаган мақсад ҳам худди шундир.

Сизнингча, айни пайтдаги кўшиқчилик санъати шу кун талабига жавоб берадими? — Кушиқчи ҳам-тарғиботи. Шу боис у мазмуунли ва шўхур ағлаб етиши шарт. Ёш хонандалар кўшиқчи таниқли санъаткорлардан андоза оладилар. Шунинг учун энг аввало, ўша таниқли хонандалар кўшиқ танилашда адашмасликлари, маромига ётмаган кўшиқ билан томошабин олдиға чиқмасликлари керак. Афсуски, бизда бу талабга зид йўл тўтаётганлар ҳам бор. Маъносииз, маънисиз саз кўшиқлар кўпайиб кетаётгандек, назаримда.

Кишиларни эзгуликка, меҳнатни севишга, ватанпарварликка, меҳр-муҳаббат, саховатга, садқоқатга, утимиш авлодларни ҳурмат қилишга, истиқболга ишончга удвоғи шўхши, ширали овозингиз ҳамиша жаранглайверсин, Тождидин ака!

Ҳамид ПИРИМҚУЛОВ, журналист.



Поп туманида беморларга хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Қирк нафардан ортик малакали шифокорлар болалар, жарроҳлик, даволаш бўлимларида сидқидил фаолият кўрсатишмоқда. Суратда: бош стоматолог Матлуба Ҳамидова.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ олган сурат.

## БЕВА ХОЛАСИГА УЙЛАНСАНГ, БАС...

— Раисимиз ҳосилдор ерларни қариндош-уруғларига инъом қилапти. Биз бегоналарга эса... нукул тошлоқ, шўр босган ерларни берапти. Нима қилсам экан? — Э, шунга ҳам ота гури қозихонами? Унинг бева қолган холасига уйлансанг, бас — сенга ҳам яхши ер беради... — Холпош хола, тоғрамга сумалак урнига тош солаясизми, зил-замбил бўлиб кетдик-ку? — Хизматингга яраша-да. Пошхохон! Сумалакка атиги бир пақир тош қушгансан, айланай!..

### Билса, ҳазил...

— Ойиҷон, «Учоғингиздан кириб, кулингиздан чиқсам» ҳам нукул мени ёмонлайсизми? — Кишлоғимиз аллақачон газлашган, кул қаердан келқопти, — деб кўлди қайнона. — Ойиҷон, «Учоғингиздан кириб, кулингиздан чиқсам» ҳам нукул мени ёмонлайсизми? — Кишлоғимиз аллақачон газлашган, кул қаердан келқопти, — деб кўлди қайнона. Қиз танлай-танлай қариб қолган буйдоқ оила даврасида бармоқларини буқиб, узича мактабди: — Бу йил мен учун жа... зур келди. Учасига кўрдим, машина олдим, парник ишлаб турибди, ховли битди, қовун-тарвуз экиб қўйдим... Хўш, яна нимани унутдим экан? — Уйланиш эсингдан чиқди, болам, — зорланди она. — Толган гул келтирур, топмаган бир бог пивз... дегандай, сизга барра пивз олиб келидим, хотинжон! — Пивзни бошимга ураманим, кутаринг совға-повғангизни! — Зар қадрини заргар билади, дейдилар. Сизга керак бўлмаса... мана, бизга керак... Пивз — закускага ниёз, дейдилар. Халдаларни оққа кўчирувчи: Абдулла ҚОРАТОЙ.

### Яхши хабарлар

#### БОЛАЛАРНИ ОРОМГОҲЛАР ЧОРАЙДИ

«Тахнатошдон» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти ва касабаси уюшмаси болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш ишларини яхшироқ етказди. Жамият қосидида «Олтин до» болалар оромгоҳида ўқувчиларнинг мазмуни дам олиши учун барча шароит яратилди. Болалар маскани мажмуида кирувчи ўнлаб иншоот, ётқоҳона, ошхона, кутубхона, спорт майдончаси ва сузиш ҳавзаси тўла таъмирдан чиқарилди. Йўллаларнинг тенг ярми бепул бўлиб, қорхона ҳисобидан қопланади. Уларнинг бир қисми учун эса маблаг касабаси уюшмаси томонидан тўланади.

Бу йил Қорақалпоғистон Республикасидаги 30 дан зиёд болалар оромгоҳида ўн минг ўғил-қиз ёзги таътилини ўтказди. Оролбўйи туманларининг тўрт мингдан кўпроқ болалари асосан Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда соғлигини мустаҳкамлайди.

#### УЧ ЭГИЗАК

Учқудук шаҳрида яшовчи ёш оила — Бахитбек Саралтаев хонандаси бир йўла уч фарзанд дунёга келди. Болаларнинг онаси 22 ёшли Гулбозор Муратбаеванинг соғлиғи яхши, чақалоқлар соғлом ва бардам ўсмоқда. Улар шифокорларнинг доимий назоратида.

Шаҳар ҳокимлиги бу оилага совғалар ҳозирлади, уларга сут маҳсулотлари етказиб беришни йўлга қўйди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Баҳмал» фирмаси, Шимолий қон бошқармаси, Навоий вилоят ҳамда Учқудук туман ҳокимликлари она ва болалар саломатлигини таъминлаш мақсадида юз минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

#### КУТУБХОНАЧИЛАР ТАНЛОВИ

Андижон вилоят мусиқий драма ва комедия театрида кутубхоначилар танловининг якунловчи тури бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари кутубхоналари меҳнат жамоалари ўртасида ўтказилган биринчи зонал мусобақа ғолиблари иштирок этди. Балиқчи туманидаги «Бегойи» кутубхонаси ходимларининг иши энг яхши деб топилди. Уларга пул мукофоти ҳамда маъзур таллоб ташкилотчиси — вилоят маданият ишлари бошқармаси билан вилоят касабаси болалар кўмитасининг фахрий ёрлиғи топширилди. (ЎЗА).

## ИЙМОННИ СОТГАН ОТА

Табаррук сот отанинг розилигизин олиш Оллоҳ ризолтигини олиш билан тенг дейилади, муқаддас Хадиси шарифларда. Бироқ ҳаётда гоҳида шундайлар учраб турадики, улар ўзларининг қабил қилишлари билан шундай муътабар сот оти сўзига соя солиб кувар экан. Хорам вилояти ички ишлар ходимлари томонидан фош этилган ушбу жиноят тафсилоти билан танишар эканман, у қандай отани унинг фарзандларини ҳам жиноят қучасига бошлаган бўлса дея таъжубландим.

Мадамин ака Очилдовдан воқеа хақида эшитиб, вужудимни муздай тер бошди. Воқеа тафсилоти шундай: жиноят қилувчи бошқармасининг гўнаҳқорлигига қарши кураш бўлими ходимлари милиция подполковниги Илхом Ганиев, милиция катта лейтенанти Баҳром Поллонов ва милиция лейтенанти Улўбек Ибобитовлар «Тошкент—Ургенч» йўналиши бўйича қатновчи «Мерседес» русумли давлат белгиси 11 АС 641 бўлган автобус йўловчилари орасида Гўнаҳқорлик мода ташиб кетишга чоғланган кишилар борлигини хабар топишди. Уларни туттиш учун вилоят

ДАН ходимлари билан ҳамкорликда «Коррадор» махсус тезкор тадбирини амалга оширдилар. «Мерседес» автобуси Питнак шаҳридаги ДАН масканида текшириб қўрилганида ушбу автобус йўловчилари 1983 йилда туғилган фуқаро Барно Анорбоевич билан 1 кило 77 грамма, Айша Ҳакимбоевич билан 26 килограмм 26 грамм қоррадорини бойлаб олиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Ачил Анорбоев икки авлиғини бирга ота, иккинчисига қайнона тадбир. Туркманistonнинг Тошхуву вилоятида яшовчи Ачил Анорбоев ушбу қоррадорни кузи ва келинининг белига бойлаб олиб кетганда олиб ўтмоқчи бўлган. Инсон зоти наҳотки пул, мол-дунё учун бу қадар тубаникка бурса. Чимилдиққа кирмаган қизини ўз инон-ихтири билан бахтикор қилган отани ота дейиш мумкинми? Қолаверса, келинини ҳам тубиз жерликка қулаган қайнона бу муносиб кўлидаги гўдағи — набирасининг кўз ёшлари тинч қўярмакан. Фаргона вилоятининг Тошлоқ туманида рўй берган муҳим воқеа ҳам кишининг нафратини келтиради. Расул Ж. исми кайфи тарақ ота узининг 1-синфда ўқийдиган ўғли Раваднинг буйнига пичоқ тортиб юборган. Натижанда ёш гўдак касалхонага етмасдан вафот этди. Қотил отани ички ишлар ходимлари қўлга олишиб, ўнга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Наҳотки у арқининг касофати билан фарзанди туғилганида севинчи ичига сиймағи суочини улашган дамлирини унутган бўлса. Пешонасига умрбод инсон тамғаси босилган оталарнинг у дунё, бу дунё жазоси тайин.

## «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хурматли газетхонлар! «Қишлоқ ҳаёти» газетасига 1999 йилнинг июнь-декабрь ойлари учун обунани давом этмоқда. Обуна мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида ва «Матбуот тарқатиш уюшмаси» бўлимларида қабул қилинади. НАШР ИНДЕКСЛАРИ: Корхона, хўжалик, ташкилотлар учун 145. Якка тартибда обуна бўлувчилар учун 144. ГАЗЕТАГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Шўхрат РЎЗИЕВ, жамоатчи муҳбиримиз.

## БУ ОЛАМНИНГ СИРЛАРИ КЎП

Бароз сузи сўгд тилидан бўлиб у усти текис тепалиқ билдрарди. Бундай жойлар Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон ҳамда Қирғизистонда кўпайиб учрайди. Аммо сиз Россия ҳудудларида ҳам Березина, Березан деган жойларни учратсангиз хайрон қолма-нг, уларнинг береза дарахтига қўнча алоқаси бўлмайди. Чунки бу жойларнинг кўпчилиги илгарилари туркий халқлар жойлашган ерлар бўлиб ўша юқорида биз келтирган сўгд сузи барозга алоқдордир.

Биз бақалажонни ёзда ва қишда иштаҳа билан истеъмол қиламиз. Аммо нимагадир бу усимлиқни кўпчилиги биласизми? Европадан келтирилган дейди. Аслида ундай эмас. Бақалажоннинг ватани Ҳиндистон бўлиб, у бизнинг юртимизга жуда қадимда келтирилган. Бу усимлик итузуми-гуллиларга мансуб, буйи 50-100 см. Меваси чўзиқ 15-30 см. Бақалажон думбўл пайтида ҳосили йиғилади, хар гектар ердан 200 дан 450 центнергача ҳосил олинади.

Будга ситинувчиларнинг илоҳийлаштирилган шунинг асос солган инсоннинг исми Гуатама бўлган. У 623 — 544 миллоддан аввалги асрларда яшаган. Гуатама ўз тахт, бойлик ва бошқа дунё ишларидан воз кечиб ўзини худо йўлига сафарбар қилган. Буддизм динининг асосчиси бўлиши бу сиймо ҳам ўзини Будда — нуранган деб атаган. Подшоҳлик, валиаҳдликдан воз кечиб ушбу динга ситинувчиларнинг «подшоҳига» айланган. С. ЙҮЛДОШЕВА.



«Юнусобод» спорт мажмуида эркин кураш вакиллари китъамизда ўз вази тоғфасида ким кучли эканлигини аниқлашларида сўнгги гиламга юн-рум кураши бўйича беллашадиган полвонлар чиқиди. Бу ерда ҳам ўзбекистонлик спортчилар шиддат билан шўхсула сари интилдиши.

## КУРАШ ҒОЛИБЛАРИ

«Юнусобод» спорт мажмуида эркин кураш вакиллари китъамизда ўз вази тоғфасида ким кучли эканлигини аниқлашларида сўнгги гиламга юн-рум кураши бўйича беллашадиган полвонлар чиқиди. Бу ерда ҳам ўзбекистонлик спортчилар шиддат билан шўхсула сари интилдиши. Айнакчи саралаш боқишда полвонларимиз чадастлик кўрсатишди. Улардан олти нафари бевосита олтин медаллар учун кураш

### Спорт

(76 кг), Зафаржон Очиллов (85 кг) ўз вази тоғфасида «кумуш» билан қифолланишлари тўғри келди. Албатта, китъада иккинчи ўринни эгаллаш озумча шараф эмас, лекин ўз юртинда шўхсуланинг энг юқори поғонасига кутарилишига нима етсин. Наҳотки, вакилларимиздан ҳеч ким ана шундай мавқега кутарила олмади? Хамюртимиз Шўхрат Саъдиевнинг энг оғир вазнда эронлик Алиризо Хариби билан беллашувини муҳлислар юрак ҳовчулаб қузата бошлашди. Мусобақанинг учинчи минути тугаётганда полвонимиз рақибни гиламга шундай михлаб қўйдик, томошабинлар беҳитиёр қарсақ чалиб юборишди. Кураш ана шундай мафтункорлиги боисми, аёллар ҳам аста-секин спортнинг бу турида бел олишчига жазм этишмоқда. Осиё китъасида хозирча японларга тенг келадигани йўқ эканлиги Тошкентдаги биринчиликда яққол мамлакат вакилларидан олтин нафари финалга чиқиб, улардан бештаси ҳурмат шўхсуласининг энг юқори поғонасига кутарилиши кутарилиди. Хитой—Тайпей, Туркманiston

А. ШЕРОВ.

**Бош муҳаррир**  
**Ўтқир**  
**РАҲМАТ**

**МУАССИСЛАР — Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноотсотиш» уюшмаси, «Ўзметвасабзавотузумсаноат-ҳолдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ҳодимлари касабаси уюшмаси Марказий Кўмитаси.**

**МАНЗИЛИМИЗ**  
**700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32**  
Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиктисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят муҳбирлари билан ишлаш — 136-54-42.

**«Шарқ» нашриёт-матбас концерни босмахонаси.**  
**Корхона манзили:**  
**«Бўна Тўр» кўчаси, 41-ўй.**

**«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат тахририйат рухсати билан амалга оширилади.**